

ШАРТНОМА № 163978

(машина—механим ва автотранспорт хизматини
кўрсатиш ҳақида)

Л о т-22110012163978

Я к к а б оғ ш а х р и.

27.10 2022 й

Бир томондан “Яккабоғ туман йўллардан фойдаланиш” унитар корхонаси номидан низом асосида иш юритувчи директори **Қ.Ю. Махкамов** келгусида “**Буюртмачи**” деб номланади, ва иккинчи томондан “**Каршийулқуриш**” МЧЖ келгусида “**Бажарувчи**” деб юритилувчи ўз нозомига кўра фаолият кўрсатувчи корхона раҳбари в.б **А.Ахмедов** ўзаро келишиб ушбу шартномани туздилар.

1. Ш А Р Т Н О М А М А З М У Н И

1.1 “Бажарувчи”, “Буюртмачи” буюртмасига кўра машина механизм ва автотранспорт хизматини кўрсатади. “Буюртмачи” эса кўрсатилган хизмат ва бажарилган ишлар учун тўловни амалга оширади.

2. Т О М О Н Л А Р Н И Н Г М А Ж Б У Р И Я Т Л А Р И.

2.1 “Буюртмачи” қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

а) Обьектда автотранспорт ва машина механизм хизматларини кўрсатиш даврида, техник масалаларни, ҳар хил камчиликларни ҳал қила оладиган, кўрсатилган юк-транспорт – варах (ТТН)ларни текшириб чиқадиган жавобгар шахсни тайинлайди.

б) “Буюртмачи” автотранспорт ва машина механизм ажратиш учун камида бир кун олдин олдиндан оғзаки ёки ёзма талабнома беради, ёхуд томонлар махсус келишган усул асосида хизматларни бажарилишини талаб филади, ва ушбу хизматлар учун пул маблағларини тўлайди.

в) Ишлаб чиқариш ёки автотранспорт ва машина механизм хизматларини кўрсатиш пайтида зарурат туғилса “Буюртмачи” “Бажарувчига” ўзини захирасида бўлган , ёки учинчи шахсдан олган ҳолда,

ёнилғи мойлаш материаллари, озиқ –овқат, техникаларни қўриқлаш хизмати, эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш ҳуқуқига эга ва “Бажарувчи” ушбу ёнилғи мойлаш материаллар озиқ-овқат, техникаларни қўриқлаш хизмати, эҳтиёт қисмлар нархини “Буюртмачи” томондин тақдим этилган ҳисоб варақалар асосида уч иш куни ичида қабул қилиб, белгиланган тартибда расмийлаштириб, кейинчалик ўз ҳисобидан кўрсатган автотранспорт ва машина механизм хизматлари ҳақида айриб “Буюртмачи” билан ўзаро ҳисоб –китоб қилишлари шарт.”Буюртмачи ” техника туриб қолишига мулкый жавобгар бўла олмайди. Техника ва механизмларни қўриққлаш мажбуриятини “Бажарувчи ” ўз зиммасига олади.

2.2 “Бажарувчи” қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

а) Обьектда ишларни бажариш ҳамда автотранспорт ва машина механизм хизматларини кўрсатиш даврида техник, ёнғин ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига, юк ташишда

белгиланган маршрутдан четга чиқишларга, ҳар қандай қонунчилик меъёрларидан четга чиқишларга тўла жавоб беради.

б) “Буюртмачи” буюртмасига асосан техник жиҳатдан соз ва бутун машина-механизм ҳамда автотранспорт воситаларни ажратади ва буларга жавобгар шахсни тайинлайди.

в) “Буюртмачи” буюртмасини ўз вақтида ва сифатли бажариб беришни кафолатлайди.

г) “Бажарувчи” ўз механизатор ва ҳайдовчиларига хизмат ҳақи, ёнилғи-мой маҳсулотлари, озик-овқатлар, техник кўрик ва қаров ишлар хизмати, эҳтиёт қисмлар билан таминлайди.

д) “Бажарувчи” бажарилган хизматлар учун ҳақини жорий йилнинг бошида олинган эксперт ҳулосаси асосида асослаб беришни, ҳамда хизмат ҳақига бошқа киритилган қўшимча чиқимларини келиб чиқишини расмий ҳужжат билан асослаб бериш мажбуриятини олади, акс ҳолда “Буюртмачи” талабномада ва асл келишувда назарда тутилмаган қўшимча чиқимларни ушбу қўшимча чиқим ва харажатларини кейинчалик тўлаб бермасликка ҳақлидир.

е) Мазкур шартнома расмийлаштириш даврида ва кейинчалик хизматлар кўрсатилаётган пайтда “Бажарувчи” ушбу шартнома шартларини тўлиқ бажаришга етарли рухсат (лицензия) ҳужжатларига эгалигини, ва хизматларини бажаришга бошқа тўсқинлик йўқлигини, шартнома имзолашга мансабдор шахснинг ҳуқуқи борлигини, ҳисоб-китоблар аниқ бўлишини, шунингдек шартномага керакли иловалар тўғрилигини ўз зиммасига олади.

3. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ.

3.1 Шартномани тахминий қиймати амалдаги нархда тахминан **27 126 338 (Йигирма етти миллион бир юз йигирма олти минг уч юз уттиз саккиз) сўмни** ташкил этади.

3.2 Шартнома қиймати очик ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси томонидан чиқарилган қарорлар ва норматив ҳужжатларга асосланиб ўзгариши мумкин.

3.3 Кўрсатилган хизматлар ҳақини ҳисоблаш учун “Бажарувчи” томонидан тақдим этилган нархлар 1 ва 2-иловалар асос қилиб олинади.

4. ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ.

4.1 “Буюртмачи” тасдиқланган бирламчи ҳужжатларга (ТТН, маълумотномага) асосан “Бажарувчи” реестр тузади ва “Буюртмачи”га ҳар ойнинг 30-санасигача ҳисоб-фактура орқали тўловга тақдим қилинади.

4.2 “Буюртмачи” “Бажарувчи” нинг ёзма талаби бўйича ойлик кўрсатилган ҳажмидан келиб чиқиб 30% олдиндан тўловни амалга оширади.

4.3 “Буюртмачи” бажарилган ишлар учун тўлов сўммасини “Бажарувчи ” томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактурани қабул қилиб олгандан сўнг 3 (уч) иш куни давомида тўлаб беради.

4.4 “Бажарувчи” бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизмат ҳақидаги ҳисоб-фактураларни ҳар ойнинг 30- санасигача “Буюртмачи”га етказилишини таъминланиши шарт. Агар ҳисоб-фактуралар биронта бир сабабларга кўра кечикиб тақдим этилган бўлса, бу ҳолда ушбу ҳисоб-фактураларга “Буюртмачи ” томонидан амалда имзоланиб қабул қилинаётган санаси ёзилади ва ҳисоб-фактуралар кечикиб етказилиши шартноманинг 4.2- бандида назарда тутилган тўловни амалга оширишни кечиктиришга асос бўлади.

5. ТОМОНЛАРНИ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1 Томонлардан бири ўз мажбуриятини бажармаса ёки лозим даражада бажармаса мулкый жавобгар ҳисобланади ва натижада келтирилган зарарни қоплаб беради. Буюртмачи: Ишлар хизматлар ҳақини “Умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларини қуриш вареконструкция қилишдирекцияси” ДУКдан маблағ олиб, лекин тўламаганда, кечиктирилиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган сўманинг 0,4 фоизи, аммо кечиктирилган сўманинг 10%дан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.2 Бажарувчи: Хизматларни бир қисмини кўрсатиб, қолган қисмини кўрсатмаган ҳолларда кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи, аммо кўрсатилмаган

хизмат сўманинг 10% фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди. Агар “Бажарувчи” ушбу шартнома асосида хизмат кўрсатишга бунақ пулини олган бўлса, лекин бир томонлама бош тортиб ишларни умуман бажармаган ёки хизматларни умуман кўрсатмаган бўлса, “Буюртмачига”га ушбу шартнома умумий қийматининг 10% миқдорида жарима тўлайди.

5. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИНИШИ.

6.1 Шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва “31” декабр 2022 йилга қадар амалда бўлади.

6.2 Шартнома кучини юқотиши ушбу шартнома бўйича олинган мажбуриятлар бўйича эътирозларни якунига етказиб ҳал қилиш учун таъсир қилмайди.

Шартномани ўзгартириш, қўшимча киритиш томонларни ўзаро келишувига асосан ёзма равишда амалга оширилади.

6.3 Агар лойиха –смета ҳужжатларида нарх ўзгарса шартноманинг келишув баённомасидаги нархлар ҳам ўзгартирилади.

6. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИНИШИ.

6.1 Мазкур шартнома қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин: “Буюртмачи” тўловларни амалга оширишга бир йилдан ошдиқ муддатда қодир бўлмай қолганда; “Бажарувчи” шартномада кўрсатилган хизматларини ўз вақтида ёки керакли ҳажмида бажармаслиги оқибатида,” Буюртмачи”га ушбу хизматларини аҳамияти қолмаганда; Объект консервация қилинганда; Форс-мажор ҳолатлари вужудга келганда. Ўзаро икки томон келишуви асосида.

7. БОШҚА ШАРТЛАР.

7.1 Шартнома мажбуриятларини бажармаслик оқибатида келиб чиққан низолар раҳбарият томонидан оғзаки ўзаро келишув йўли билан ҳал қилинади.

7.2 Ўзаро келиша олинмаган низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида Қарши туманлар аро иктисодий судида ҳал этилади.

ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛГОҲЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ.

«БАЖАРУВЧИ»

“Қаршийўлқуриш” МЧЖ

Манзил: Қарши шаҳри Гулустон МФЙ

А.Навоий кучаси 5- уй

Х/Р 20208000105568070001

Банк : Траст банк Қарши филиали

ИНН: 309869311

МФО: 01109

ОКЭД: 42110

«БУЮРТМАЧИ»

Яккабоғ туман йуллардан фойдаланиш УК

ИНН: 200708679

ОКЭД: 42110

Ш/Р 4700 1086 0102 5070 4519 311 8001

Ўз .молия вазирлик Газначилик бошкармаси

23402000300100001010

Тошкент Марказий банк

МФО: 00014

ИНН: 201222919

Яккабоғ туман Саҳоват 5 уй



А.Ахмедов



К.Махкамов

Н. Курбанов

Yuridik shaxsni davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risidagi

GUVOHNOMA



Yuridik shaxs

"QARSHIYO'LOURISH" MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT

Tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holda yuridik shaxs - tadbirkorlik subyektiining to'liq nomi

"QARSHIYO'LOURISH" MCHJ

Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi

309 869 311

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatga olish, axborotni o'zgartirish)

15.09.2022

Sana

1965186

Taxlid qismi

Tashkiliy-huquqiy shaxs

MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT

Faoliyat yuritadigan manzil

QASHQADARYO VILOYATI, QARSHI SHAHRI, ГУНГОН МФЙ, АЛИШЕР НАВОИЙ КУЧАСИ, 5-УЙ

Tomonidan berilgan

QARSHI SHAHRI DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI


056317





“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Яккабоғ ТИФУК директори:

 **Қ. Махкамов**

27.10.2022 йил

Яккабоғ шахри

Яккабоғ туман йуллардан фойдаланиш унитар корхонасида машина механизм (8 тонналик каток) ва асфальтоукладчик хизмати учун танлов асосида шартнома тузиб сотиб олишни ташкил килиш комиссиясининг

ТАНЛОВ КОНКУРС БАЁНИ:

Комиссия раиси КУК раиси:

У.Файзиев

АЪЗОЛАРИ:

ПТО бошлиги:

Ю.Абдиев

Бош механик:

О.Тохиров

Бош мутахасис:

У.Амируллаев

Иктисодчи:

С.Худойбердиев

Кун тартибдаги қурилган масала

Ташкилот қуриш ишларини бажариш учун қурилиш ишларида корхонасида машина механизм (8 тонналик каток) ва асфальтоукладчик хизмати учун 2022 йил октябрь ойида етказиб берувчи ташкилотлар билан шартнома килиш ва шартнома тасдиқлаш тугрисида.

Комиссия томонидан конкурда катнашган томонларни тақлифларини қуриб чиқиб корхонасида машина механизм (8 тонналик каток) ва асфальтоукладчик хизмати буйича 2 та хусусий корхона катнашганини эълон қилади улар қуйидагича.

Танлов конкурс буйича 2022 йил 24 октябрь кунида лот № 163978 сонли пратакол эълон қуйилган кийин 2 та ташкилот узини тақлифлари билан катнашди ва юкори балл ҚАРШИ ЙЎЛ ҚУРИЛИШ МЧЖ олди ва 2 кун муҳокамада қуйилди ҳамда бошқа эътирозлар бўлмагандан кийин ҚАРШИ ЙЎЛ ҚУРИЛИШ МЧЖ билан шартнома имзоланди.

ТАНЛОВ КОНКУРС КОМИССИЯ ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. ҚАРШИ ЙЎЛ ҚУРИЛИШ МЧЖ голиб деб топилсин.
2. ҚАРШИ ЙЎЛ ҚУРИЛИШ МЧЖ томонидан етказилган Юк ташиш хизмати учун қурилиш ишларини бажариш А.Баратов зиммасига топширилсин.
3. Ушбу баённома қарорини бажарилишини назорат килиш бош ҳисобчи Ф.Остонов зиммасига юклансин.

Комиссия раиси:

У.Файзиев

АЪЗОЛАРИ:

ПТО бошлиги:

Ю.Абдиев

Бош механик:

О.Тохиров

Бош мутахасис:

У.Амируллаев

Иктисодчи:

С.Худойбердиев